



INTERNATIONAL STANDARDS FOR ENSURING THE PROCEDURAL RIGHTS OF MINORS AND A COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS

Jurabek Mukhtorovich Tojiyev

Independent Researcher

Academy of Justice

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: minor; criminal proceedings; international standards; child-friendly justice; procedural safeguards; functional approach; psychological safety; comparative analysis; implementation.

Received: 01.05.26

Accepted: 01.05.26

Published: 01.05.26

Abstract: The article provides a comparative legal analysis of international standards for ensuring the procedural rights of minors and their implementation in national legislation. It examines UN instruments, EU Directive 2016/800, the case-law of the European Court of Human Rights, as well as regulatory models in Germany, the United Kingdom, Russia, and several CIS countries. Three conceptual approaches are identified: the formal-normative, paternalistic, and functional (child-friendly justice) models. The study argues that international standards recognize minors not merely as objects of protection but as active procedural subjects whose views and psychological condition must have real influence on decision-making. It concludes that international standards should not be mechanically transplanted but substantively adapted and gradually implemented within the national legal framework.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ ВА ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Жўрабек Мухторович Тожиёв

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: вояга етмаган; жиноят процесси; халқаро стандартлар; child-friendly justice; процессуал кафолатлар; функционал концепция; психологик хавфсизлик; қиёсий таҳлил; имплементация.

Аннотация: Мақолада вояга етмаганларнинг жиноят процессидаги процессуал ҳуқуқларини таъминлашга оид халқаро стандартлар ҳамда миллий қонунчиликнинг қиёсий таҳлили амалга оширилган. БМТ ҳужжатлари, Европа Иттифоқи директиваси 2016/800, Европа инсон ҳуқуқлари суди амалиёти, Германия, Буюк Британия, Россия ва МДҲ давлатлари тажрибаси асосида турли концептуал моделлар — формал-норматив, патерналистик ва функционал (child-friendly justice) ёндашувлар ўрганилган. Таҳлил натижасида халқаро стандартларда вояга етмаган фақат ҳимоя объекти эмас, балки фаол процессуал субъект сифатида қаралиши, унинг фикри ва психологик ҳолати қарор қабул қилишда реал аҳамият касб этиши лозимлиги асослаб берилган. Миллий қонунчиликда эса ҳуқуқларнинг декларатив характерга эгаллиги, функционал механизмлар етарлича шаклланмагани қайд этилган. Мақолада халқаро стандартларни механик кўчириш эмас, балки босқичма-босқич ва мазмунан мослаштирган ҳолда имплементация қилиш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланади.

МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОЦЕССУАЛЬНЫХ ПРАВ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ И СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ

Журабек Мухторович Тожиев

*Независимый исследователь Академии правосудия
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Аннотация:
несовершеннолетний; уголовный процесс; международные стандарты; child-friendly justice; процессуальные гарантии; функциональная концепция; психологическая безопасность; сравнительный анализ; имплементация.	Аннотация: В статье проводится сравнительно-правовой анализ международных стандартов обеспечения процессуальных прав несовершеннолетних и национального законодательства. Исследуются документы ООН, Директива ЕС 2016/800, практика Европейского суда по правам человека, а также модели регулирования в Германии, Великобритании, России и ряде государств СНГ. Выделяются три концептуальные

модели: формально-нормативная, патерналистская и функциональная (child-friendly justice). Обосновывается, что международные стандарты рассматривают несовершеннолетнего как активного процессуального субъекта, а не только объект защиты, при этом его мнение и психологическое состояние должны иметь реальное значение при принятии решений. Делается вывод о необходимости не механического заимствования международных норм, а их содержательной и поэтапной имплементации в национальную правовую систему.

Кириш. Вояга етмаганларнинг жиноят ишлари юритувидаги процессуал ҳуқуқларини таъминлаш масаласи халқаро ҳуқуқда мустақил ва тизимли йўналиш сифатида шаклланди. Халқаро стандартлар нафақат вояга етмаганларни ҳимоя қилишни, балки уларни жиноят процессида фаол ва онгли иштирокчи сифатида тан олишни назарда тутди. Шу боис мазкур стандартларни миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлил қилиш, уларнинг концептуал мазмунини очиқ бериш муҳим илмий аҳамиятга эга. Ҳуқуқий адабиётларда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кучайтирилган тарзда ҳимоя қилиш режими ўрнатилиши ғояси халқаро ҳуқуқда асосий ҳисобланиши ва вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишнинг принципи сифатида намоён бўлиши таъкидланади.

Илмий адабиётлар таҳлили вояга етмаганларнинг жиноят процессидаги процессуал ҳуқуқларини таъминлаш масаласи халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшуносликда устувор илмий йўналишлардан бири ҳисобланишини кўрсатади. Мазкур масала, айниқса, халқаро стандартларни миллий ҳуқуқ тизимларига имплементация қилиш ва турли ҳуқуқий моделларнинг самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш нуқтаи назаридан кенг ўрганилган.

Халқаро ҳуқуқий ёндашувнинг шаклланишида БМТ томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжатларда боланинг иштирок этиш, ахборот олиш, ҳимояланиш ва реабилитация ҳуқуқлари, шунингдек, “боланинг энг устун манфаатлари” принципи асосий стандарт сифатида мустаҳкамланган.

Халқаро стандартларни илмий таҳлил қилишда қатор етакчи олимлар муҳим ҳисса қўшган. Хусусан, Ursula Kilkelly болалар ҳуқуқларининг жиноят процессида таъминланиши масаласини чуқур тадқиқ этиб, халқаро стандартлар миллий ҳуқуқ

тизимларида қандай татбиқ этилиши лозимлигини таҳлил қилади. Унинг фикрича, боланинг энг устун манфаатлари принципи формал декларация эмас, балки ҳар бир процессуал қарорнинг мазмуний мезони бўлиши шарт.

Қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларда Европа давлатлари амалиёти алоҳида ўрин тутди. Уларда болалар учун:

махсус суд тартиблари;

психологик қўллаб-қувватлаш тизими;

мустақил вакил институти;

процессуал муддатларни қисқартириш каби механизмлар кенг қўлланилаётгани илмий адабиётларда қайд этилган.

МДҲ давлатлари ва миллий ҳуқуқшуносликда мазкур масалага бағишланган тадқиқотлар мавжуд бўлиб, уларда асосан халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари таҳлил қилинган. Бироқ ушбу тадқиқотларда кўп ҳолларда қиёсий-ҳуқуқий ёндашув етарли даражада қўлланилмаган, шунингдек, турли ҳуқуқий моделларнинг амалий самарадорлиги чуқур таҳлил қилинмаган.

Шу нуқтаи назардан, вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлашнинг халқаро стандартларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил асосида ўрганиш, турли давлатлар тажрибасини тизимли равишда солиштириш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш учун илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Мазкур тадқиқот айнан ушбу илмий бўшлиқни тўлдиришга қаратилган.

Материал ва методлар. Тадқиқотда суд муҳокамасида жабрланувчи ва гувоҳ сифатида иштирок этувчи вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бўйича қонунчилик нормалари ва ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий қарашларидан фойдаланилди ҳамда қиёсий-ҳуқуқий усул, таҳлил, синтез, кузатиш, умумлаштириш, индукция ва дедукция методлари қўлланилди.

Тадқиқот натижалари. Халқаро ҳужжатларда вояга етмаганларга нисбатан одил судлов, аввало, инсонпарварлик, индивидуал ёндашув ва манфаатлар устуворлиги принципларига асосланади. Бу ерда асосий концептуал фарқ шундаки, халқаро стандартларда вояга етмаган фақат ҳимоя объекти эмас, балки ёш ва ривожланиш даражасига мос равишда процессуал ҳуқуқларини мустақил амалга ошириш қобилятига эга субъект сифатида қаралади.

Мазкур ёндашув БМТнинг вояга етмаганларга нисбатан одил судловга оид қоидалари (Пекин қоидалари), БМТ Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ҳамда бошқа ҳужжатларда изчил акс этган.

Вояга етмаганларга тааллуқли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган асосий процессуал кафолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– суд муҳокамасида иштирок этиш ва уни ўтказиш жараёнида эшитилиш имконияти (Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 12-моддаси 2-қисми);

– ишни ваколатли, мустақил ва холис орган томонидан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши ҳуқуқи;

– айбсизлик презумпциясига бўлган ҳуқуқ;

– кўрсатув беришдан бош тортиш ҳуқуқи;

– юридик ёрдам олиш ҳуқуқи;

– таржимондан фойдаланиш ҳуқуқи;

– айблов гувоҳларини сўроқ қилиш ва ҳимоя гувоҳларини чақириш ҳуқуқи;

– қарорни юқори турувчи орган томонидан қайта кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқи (Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 40-моддаси 2-қисми b бандининг i, iii, iv, v, vi кичик бандлари, шунингдек, Пекин қоидаларининг 7.1 ва 14.1-моддалари).

Тадқиқот натижалари таҳлили.

Ф.Багаутдиновнинг фикрича вояга етмаганларга нисбатан иш юритувнинг асосий принциплари оила манфаатларини сўзсиз ҳисобга олиш принципи, тезкорлик принципи (вояга етмаганлар иштирокида қарорлар қабул қилиш ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш, жиноят ишларини тергов қилиш ҳамда судда кўриб чиқишнинг тезкорлиги), ошкораликни чеклаш ва махфийликни таъминлаш принципи, вояга етмаган шахс учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш принципи, жазо тайинлашда вояга етмаган жабрланувчининг ёшини ҳисобга олиш принципи ҳамда бошқа принциплардан иборат [1, Б.11].

а) Вояга етмаганнинг фаол иштирок этиш ҳуқуқи

Халқаро стандартларга кўра, вояга етмаган шахс жиноят процессида айб моҳиятини тушуниш, ўз фикрини билдириш, қарор қабул қилиш жараёнида эшитилиш ҳуқуқига эга.

Муҳим жиҳати шундаки, халқаро ҳужжатларда мазкур ҳуқуқлар формал тушунтириш билан чекланмай, уларнинг реал англаниши ва амалга оширилиши талаб қилинади. Бу эса ҳуқуқларни таъминлашда когнитив (англаш) мезонни асосий ўринга чиқаради.

б) Ёшга мос процессуал шакл (child-friendly justice)

Европа Кенгаши доирасида шаклланган “child-friendly justice” концепцияси вояга етмаганлар учун жиноят процесси содда тилда, руҳий босимсиз, қўрқитув элементларисиз олиб борилишини талаб қилади.

Бу ёндашув вояга етмаганнинг процессуал ҳуқуқларини мазмунан таъминлашга қаратилган бўлиб, фақат формал қафолатлар билан чекланмайди.

в) Институционал иштирокчиларнинг ёрдамчи роли

Халқаро стандартларда адвокат, қонуний вакил, психолог иштирокининг мақсади вояга етмаган ўрнига қарор қабул қилиш эмас, балки унинг шахсий позициясини ифода этишга кўмаклашиш деб белгиланади. Бу жиҳат халқаро ёндашувни патерналистик моделдан кескин ажратиб туради.

Халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик ўртасидаги концептуал фарқлар

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги халқаро стандартларни формал равишда тан олган бўлса-да, уларнинг концептуал мазмуни тўлиқ имплементация қилинмаган.

Биринчидан, миллий қонунчиликда вояга етмаганнинг процессуал ҳуқуқлари асосан эълон қилинади, аммо уларнинг англаниш даражаси, амалга ошириш механизми, самарадорлик мезонлари белгиланмаган.

Иккинчидан, халқаро стандартларда вояга етмаганнинг фикри қарор қабул қилишда реал аҳамиятга эга бўлиши талаб этилса, миллий суд амалиётида ушбу фикр кўп ҳолларда декларатив тусга эга.

Учинчидан, халқаро ёндашувда процессуал шакл вояга етмаганга мослаштирилиши шарт ҳисобланса, миллий амалиётда вояга етмаган аксинча мавжуд “катталарга мўлжалланган” процессга мослашишга мажбур бўлмоқда.

Халқаро болалар ҳуқуқлари стандартлари вояга етмаганлар учун жиноят ишлари бўйича одил судлов тизимига мукамал намуна бўла олади деб айтиш соддалик бўлар эди. Уларнинг бир қатор камчиликлари мавжуд: қамоққа олишни энг сўнгги чора сифатида қўллаш масаласида меъёрлар жуда ноаниқ; жиноий жавобгарлик ёши бўйича талаблар етарлича кучли эмас, суд муҳокамаси жараёни, жазо тайинлаш ва оғир жиноятлар бўйича қоидалар эса тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, ушбу стандартлар болаларни жиноят ишлари бўйича одил судлов тизимидан ижтимоий хизматларга йўналтириш ёки йўналтирмаслик масаласида, бундай чораларни мажбурий тарзда қўллашни талаб қилиш масаласида давлатларга жуда кенг ихтиёрий имкониятлар беради[2, Б.191].

Айрим миллий тадқиқотларда халқаро стандартларни тўлиқ кўчириб олиш таклиф қилинади. Бироқ халқаро стандартлар универсал қоидаларни белгилайди, аммо миллий ҳуқуқий анъаналар ва институционал имкониятлар ҳисобга олиниши лозим. Шу боис фикримизча, халқаро стандартларни имплементация қилишда механик такрорлаш эмас, балки мазмунан мослаштириш, босқичма-босқич жорий этиш, амалиётга йўналтирилган модел устувор бўлиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро стандартлар вояга етмаганнинг жиноят процессидаги процессуал ҳуқуқий мақомини фаол субъектлик асосида белгилайди. Миллий жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришда мазкур стандартларни чекланган процессуал автономия концепцияси билан уйғунлаштириш илмий ва амалий жиҳатдан мақбул йўналиш ҳисобланади.

Вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлаш масаласи турли давлатларда ягона модел асосида эмас, балки маълум концептуал ёндашувларга таянган ҳолда ҳал қилинади. Амалда қонунчилик, институционал тузилма ва суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, давлатлар асосан учта концепцияга таянади:

1. формал-норматив концепция;
2. патерналистик концепция;
3. функционал (child-friendly justice) концепция

Россия жиноят-процессуал тизимида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари асосан ЖПКда умумий иштирокчилар учун белгиланган ҳуқуқлар, айрим махсус нормалар (педагог иштироки, ёшини инобатга олиш) орқали таъминланади.

Бироқ концептуал жиҳатдан вояга етмаган алоҳида процессуал субъект эмас, балки “айбланувчи”, “жабрланувчи”, “тувоҳ” каби умумий мақом ичида қаралади.

РФ ЖПКнинг 427-моддаси [3] вояга етмаганларга нисбатан жиноят таъқибини судгача ёки суд босқичида шартли характерда, тарбиявий таъсир чораларини қўллаш билан боғлаб, назорат ва қайта тиклаш механизми билан таъминлаган ҳолда тугатиш моделини белгилайди.

Бу механизмнинг энг муҳим жиҳати вояга етмаган тарбиявий таъсир чораларини тизимли равишда бажармаса, жиноят таъқибини қайта тикланади.

Мазкур моделнинг афзаллиги шундаки вояга етмаганга нисбатан жиноят таъқибини тугатилади, лекин боланинг хулқ-атвори давлат назоратидан чиқарилмайди, тарбиявий чоралар билан боғлиқ ўзининг мажбуриятларини мунтазам равишда бажармаган тақдирда қарор бекор қилиниши мумкин.

Илмий нуқтаи назардан бу conditional diversion (шартли четлатиш) модели ҳисобланади. Яъни ушбу модель тарбиявий чораларни “ихтиёрий тавсия” эмас, юридик мажбурият сифатида мустаҳкамлайди. Натижада жазосизлик хавфи камаяди, болада масъулият ҳисси шаклланади, профилактика формал характер касб этмайди.

Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 191-моддаси педагог (психолог)нинг иштироки кенгайтириб сўроқдан ташқари юзлаштириш, таниб олиш ҳамда кўрсатувларни текшириш каби процессуал ҳаракатларга ҳам татбиқ этилган, бироқ фақат дастлабки тергов босқичида ва фақат вояга етмаган жабрланувчилар ҳамда гувоҳларга нисбатан мазкур қоида амал қилади.

МДХнинг қатор давлатлари жиноят-процессуал кодексларига педагог (психолог)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган нормаларни киритган, шунингдек унинг иштироки билан ўтказиладиган тергов ҳаракатлари доирасини сезиларли даражада кенгайтирган. Хусусан, Озарбайжон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида тергов экспериментида педагогнинг иштироки назарда тутилган бўлса [4], Туркменистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида педагог ва психолог иштирокида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари доираси муайян рўйхат билан чекланмаган [5] .

Шу билан бирга, сўроқда иштирок этишга фақат педагогга рухсат этилган (Тожикистон Республикаси, Озарбайжон Республикаси) ва у мутахассис мақоми билан камраб олинadиган (Беларусь, Озарбайжон, Қирғизистон, Туркменистон, Қозоғистон ЖПКлари), педагог (психолог)ни сўроққа жалб этиш масаласини ҳал қилиш тўлиқ терговчининг ихтиёрига боғлиқ бўлган(Украина) моделлар мавжуд.

Россия Федерациясида психолог ва педагогнинг жиноят процессида иштирок этишининг аҳамияти Россия Федерацияси Олий Судининг гумон қилинувчи ёки айбланувчининг педагог ёки психолог иштирокисиз олинган кўрсатмалари номақбул далил ҳисобланиши ҳақида позицияси билан ҳам тасдиқланади [6] .

Бинобарин, МДХ давлатларининг аксариятида педагог ва психолог мустақил ҳимоя субъекти сифатида эмас, балки мутахассис сифатида қаралади. Бундан ташқари иштироки терговчи ихтиёрига боғлиқлиги вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини барқарор кафолатдан маҳрум қилади.

Беларусь Республикасида вояга етмаганлар иштирокидаги жиноят процессида педагог ёки психологнинг иштироки нафақат жиноят-процессуал кодекс билан, балки қўшимча равишда 2025 йил 26 ноябрда қабул қилинган Беларусь Республикаси Вазирлар Кенгашининг № 676-сон қарори билан тасдиқланган қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжат

орқали ҳам тартибга солинган [7] Ушбу қарорда жиноят процессида иштирок этиш учун (уларнинг розилиги билан) жалб этиладиган педагоглар (психологлар)нинг рўйхати белгиланади ва бу ҳақда олий (ўрта махсус, касб-ҳунар-техника) таълим муассасасини бошқариш органи томонидан тегишли буйруқлар чиқарилади. Шунингдек, жиноят процессида иштирок этиш учун педагоглар (психологлар)ни жалб этиш рўйхати ва жадвали ҳам тасдиқланади.

Молдова Республикаси Парламентининг 2014 йил 18 июлдаги № 163-сонли «Молдова Республикасининг 2003 йил 14 мартдаги № 122-XV сонли Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни [8] билан сўроқ хонаси ва кузатув хонаси, шунингдек, сўроқ қилувчи (интервьюер) тушунчалари (Молдова Республикаси ЖПК 6-моддасининг 4.1, 4.2, 19.1-бандлари) мустақамланди ҳамда 110.1-модда янги таҳрирда баён этилди. Унга кўра, сўроқ қилувчи — ваколатли орган томонидан жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчи ёки гувоҳни сўроқ қилишда воситачи сифатида иштирок этиш учун таклиф этилган шахс ҳисобланади, сўроқ қилувчи сифатида юридик ёки психологик маълумотга эга бўлган, махсус тайёргарликдан ўтган шахслар жалб этилиши мумкин, вояга етмаганни сўроқ қилиш жараёнида сўроқ қилувчи мутахассис мақомига эга бўлади; вояга етмаган гувоҳ ва сўроқ қилувчи сўроқ хонасида бўлиб, жиноят таъқибини амалга оширувчи судья ва ушбу процессуал ҳаракатда иштирок этаётган бошқа шахслардан алоҳида жойлаштирилади. Кузатув хонасида эса жиноят таъқибини амалга оширувчи судья, прокурор, гумонланувчи ёки айбланувчининг ҳимоячиси, психолог, суд котиби, сўроқ қилинаётган вояга етмаганнинг қонуний вакили, жабрланувчининг қонуний вакили ҳамда қонунга мувофиқ зарурат туғилганда бошқа шахслар бўлади. Сўроқда иштирок этувчи шахслар саволларни жиноят таъқибини амалга оширувчи судьяга йўналтиради, у эса ушбу саволларни сўроқ қилувчига оғзаки — техник воситалар орқали ёки ёзма равишда — танаффус пайтида етказди.

Молдова Республикаси ЖПКнинг 110.1-моддасида назарда тутилган тартибда вояга етмаган гувоҳлар ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш фақат жиноят таъқиб босқичида (ишни судга қадар юритишда) йўл қўйилади ҳамда жиноят таъқибини амалга оширувчи судья томонидан ўтказилади, у жиноят таъқиб жараёнида суд назоратини таъминлайди. Шундай қилиб, Молдовада ишни судга қадар юритиш давомида вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчининг сўроғида психологнинг (педагог ўрнига) мажбурий иштирокини назарда тутган.

Асосий муаммо шундаки, кўплаб давлатларда педагог ёки психолог фақат мутахассис сифатида қаралади ёки уларнинг иштирок этиши терговчининг ихтиёрига тўлиқ боғланган.

Бу эса вояга етмаганларнинг жиноят процессидаги ҳуқуқий ҳимояси нуқтаи назардан жиддий саволлар туғдиради.

Педагог ёки психолог фақат мутахассис сифатида баҳолаш (Беларусь, ва бошқа давлатлар мисолида) қуйидаги камчиликларга эга:

унинг вазифаси техник ёрдам билан чекланиб қолади;

вояга етмаганнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш функцияси қонун даражасида аниқ белгиланмайди;

педагог (психолог)нинг процессуал таъсири чекланган бўлади.

Илмий нуқтаи назардан, педагог ёки психолог фақат ахборот ёки маслаҳат берувчи шахс эмас, балки вояга етмаган психикасини ҳимоя қилувчи мустақил кафолат субъекти сифатида қаралиши лозим.

Педагог (психолог)ни сўроққа жалб этиш масаласини тўлиқ терговчи ихтиёрига боғлаш (Украина мисоли) қатъий танқидга лойиқ. Чунки:

терговчи айблов манфаатларини кўзлаган процессуал шахс ҳисобланади;

унинг қарорлари ҳамиша вояга етмаганнинг психологик ҳолати ва манфаатларига мос келмаслиги мумкин;

бундай ёндашув вояга етмаганнинг ҳуқуқий ҳимоясини ихтиёрий ва барқарор бўлмаган механизмга айлантиради.

Илмий адабиётларда эътироф этилганидек, бола ҳуқуқларини таъминловчи кафолатлар дискрецияга эмас, мажбурий нормага асосланиши лозим.

Халқаро стандартлар вояга етмаганларга нисбатан жиноят процессида: ёш ва индивидуал психологик хусусиятларни ҳисобга олиш, процессуал ҳаракатларнинг бола психикасига салбий таъсирини минималлаштириш, махсус билимга эга мутахассисларни жалб этиш зарурлигини белгилайди.

Шу нуқтаи назардан, педагог ёки психолог иштирокини чеклаш ёки уни терговчининг ихтиёрига боғлаш халқаро стандартларга зид ҳисобланади.

Бинобарин педагог ёки психологнинг жиноят процессидаги иштироки ихтиёрий ёки чекланган тусда эмас, балки вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мажбурий процессуал кафолат сифатида қонун даражасида аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Айни пайтда, педагог (психолог)ни фақат мутахассис сифатида баҳолаш ёки унинг иштирокини терговчи ихтиёрига боғлаш вояга етмаганларга нисбатан одил судловнинг тарбиявий ва ҳимоявий моҳиятини заифлаштиради.

Қозоғистон Республикасида вояга етмаганлар ишларида қонуний вакил, педагог, психолог иштироки кўзда тутилган ва суд амалиётида бола кўпинча ҳимоя объекти сифатида қабул қилинади.

Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 542-моддасида вояга етмаганларга нисбатан ишлар, вояга етмаганлар ишлари бўйича туманлараро судлар томонидан кўриб чиқилиши белгиланган [9].

Шу билан бирга, вояга етмаган судланувчи қонуний вакили ва ҳимоячиси иштирокида жабрланувчи билан шу жумладан медиация тартибида ярашиши, прокурор биан процессуал келишув тузиши мумкинлиги белгиланган.

Европа Иттифоқининг 2016/800-сонли “Жиноят содир этишда гумон қилинган ёки айбланган болалар учун процессуал қафолатлар ҳақида директиваси” болаларга нисбатан жиноят процессуал қафолатларни мустақил, мажбурий ва ёшга мос стандартлар тизими сифатида шакллантирган бўлиб, процессуал қарорлар жазолашдан кўра қайта ижтимоийлашувга хизмат қилиши лозимлиги ҳақида ғояга асосланади [10]. Директива асосий процессуал қафолатлар сифатида қуйидагиларни назарда тутди:

адвокатга мажбурий ва эрта кириш ҳуқуқи (Адвокатдан воз кечишга қоида сифатида йўл қўйилмайди);

ота-она (ёки қонуний вакил) иштирокини таъминлаш;

маълумотни болага мос шаклда етказиш;

шахсий ва ёшга мос ёндашув (individual assessment);

эркинликдан маҳрум қилиш – энг сўнгги чора;

тиббий кўрик ва соғлиқни муҳофаза қилиш;

суд мажлисларининг ёпиқ тартибда ўтказилиши;

таълим ва реинтеграцияга йўналтирилган ёндашув

Жумладан, директиванинг 19-бандига мувофиқ, болалар иш юритишнинг умумий жиҳатлари тўғрисида ахборот олишлари лозим. Шу мақсадда, айниқса, жиноят ишлари манфаатларини инобатга олган ҳолда имконият даражасида иш юритишдаги кейинги процессуал босқичлар ҳақида қисқача тушунтириш, шунингдек, ишда иштирок этаётган ваколатли органларнинг роли ҳақида маълумот берилиши керак. Бериладиган ахборот ишнинг аниқ ҳолатларига боғлиқ бўлиши лозим.

Айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, Европа давлатларининг аксарияти ҳалигача жазо тайинлаш қарорларида болалар ҳуқуқларига асосланган ёндашувни ишлаб чиқмаган. Жиноят судлари ҳозирда жазо тайинлашда ушбу таъсирни инобатга олиши лозим бўлган мамлакатларда ҳам судьялар бунга кўпинча ҳали ҳам эҳтиёткорона ёндашмоқда. Жазо тайинлашда боланинг энг устувор манфаатларини ҳисобга олиш масаласи ҳали ҳам баҳсли ҳисобланади [11].

Германияда вояга етмаганлар иштирокидаги жиноят ишлари алоҳида “имтиёзли” режим сифатида эмас, балки боланинг реал процессуал имкониятларини таъминлашга қаратилган функционал модель сифатида қурилган ва қуйидагиларда ифодаланади:

ижтимоий ҳисобот (Sozialbericht),
судга қадар муқобил чоралар,
боланинг фикрини эшитиш мажбурияти,
қисқартирилган процессуал муддатлар.

Мазкур модель қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

ҳуқуқлар қонун матнида мавжуд бўлиши эмас,
уларнинг реал ишлаши ва қарорга таъсири асосий мезон ҳисобланади;
процессуал қарорлар ижтимоий-психологик баҳолаш билан боғланади.

Бу ёндашув Германия жиноят-процессуал қонунчилиги (StPO) ва Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга ошириш тўғрисидаги қонун (Jugendgerichtsgesetz – JGG) ўзаро уйғун қўлланилиши орқали амалга оширилади.

JGG §1-параграфига мувофиқ, жиноят содир этилган вақтда 14–17 ёшда бўлган шахслар — вояга етмаганлар ҳисобланади, бироқ §105 параграфга мувофиқ 18–20 ёшдаги шахсларга нисбатан ҳам вояга етмаганлар тартибини қўллаш мумкин [12] .

Мазкур моделнинг асосий элементи ижтимоий ҳисобот (Sozialbericht) бўлиб, судга қадар ва суд босқичида Jugendgerichtshilfe (Ёшлар хизмати) томонидан вояга етмаганнинг оилавий, таълимий, ижтимоий муҳити бўйича ижтимоий ҳисобот тайёрланиши мажбурий.

Ижтимоий ҳисобот эҳтиёт чорасини танлашда, жазо ёки тарбиявий чораларни танлашга амалда таъсир кўрсатади.

Вояга етмаганларга нисбатан қамоққа олишга фақат мутлақ зарурат бўлган ҳолларда, муқобил чоралар биринчи навбатда муҳокама қилинган ҳолда йўл қўйилади. Суд қарорларида қамоққа олиш алоҳида, индивидуал асосланиши талаб этилади.

ЖПКнинг §163а параграфига мувофиқ, (StPO) айбланувчининг сўроқ қилинишида унинг шахсий хусусиятлари инобатга олинади, сўроқ жараёни боланинг руҳий ҳолатига

зарар етказмаслиги шарт, педагог ёки ижтимоий ходим иштироки таъминланади. Германияда жазо сиёсати ҳам функционал концепцияга бўйсунди, суд қарорига жазодан кўра тарбиявий ва реабилитацион таъсир устувор ҳисобланади, қарор боланинг келажак ижтимоий ривожланишига мос бўлиши шарт.

Германия тажрибаси шуни кўрсатадики, вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлаш фақат махсус нормалар жорий этиш билан эмас, балки уларни қарор қабул қилишга таъсир қилувчи функционал механизмларга айлантириш орқали самарали бўлади. ЖПК(StPO) ва Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга ошириш тўғрисидаги қонун нормаларининг уйғун қўлланилиши болаларга мос одил судловнинг институционал моделини шакллантиради.

Буюк Британияда “child-friendly justice” —тергов ва суд жараёнини бола учун дўстона тарзда амалга ошириш ва қайта ижтимоийлаштирувчи тартибга ўтказиш модели амал қилади. Мазкур моделнинг асосий хусусиятлари, қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқлар формал белгиланганидан ташқари, уларни ҳақиқий амалга ошириш учун процессуал воситалар, институтлар ва ресурслар яратиш;

суд ва тергов жараёнини бола даражасига мослаштириш, унинг реал иштирокини таъминлаш;

жазолаш ва реабилитация/тарбия элементларини мувозанатини таъминлаш.

Жумладан, Вояга етмаганларга нисбатан одил судлов ва жиноят ишлари бўйича далиллар ҳақида қонун (Youth Justice and Criminal Evidence Act 1999) [13] — вояга етмаганлар ва ҳимояга муҳтож гувоҳлар учун махсус механизмларини белгиловчи асосий ҳужжат бўлиб, болалар ва ҳимояга муҳтож гувоҳларни жиноят процессида формал иштирокчи эмас, балки ҳимояга муҳтож, бироқ фаол субъект сифатида кўришга қаратилган. Ушбу қонун ҳуқуқларни болага мос процессуал механизмлар орқали амалга оширишни таъминлаши билан жиноят процессида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси сифатида намоён бўлади. Қонуннинг асосий ғояси — далил олиш самарадорлиги билан боланинг руҳий хавфсизлиги ўртасида мутаносибликни таъминлаш.

Мазкур қонуннинг энг муҳим жиҳати — махсус процессуал чоралар (special measures) институтидир. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

суд залида экранлар қўллаш (айбланувчи билан бевосита кўришни чеклаш);

live-link (боланинг суд залидан ташқарида видеоалоқа орқали иштирок этиши);

суд залида кўрkitувчи атрибутларни олиб ташлаш (мантия);

олдиндан ёзиб олинган видеосўроқни далил сифатида қабул қилиш;

махсус тил ва мулоқот шаклларидадан фойдаланиш.

Қонуннинг энг илғор механизмига кўра (28-модда) бола билан судга қадар босқичда видеосўроқ ўтказилади, кейинчалик ҳатто қайта сўроқ ҳам олдиндан ёзиб олиниши мумкин, суд муҳокамаида боланинг қайта иштирок этиши талаб қилинмайди. Бунда болани ҳимоя қилиш далиллар сифатига қарши қўйилмайди. Аксинча бола хотирасига босим қамаяди, кўрсатмалар эртароқ ва аниқроқ қайд этилади, суд учун ишончли, ўзгармаган далил шаклланади.

Бундан ташқари махсус чораларни қўллаш масаласини суднинг ташаббус билан муҳокама қилиш, суд томонидан бола манфаатларини мустақил баҳолаш, процесс иштирокчилари (прокурор, ҳимоячи)нинг розилигисиз ҳам қарор қабул қилиш судни бола ҳуқуқларини кафолатловчи фаол субъект сифатида ўрнини белгилаб беради.

Achieving Best Evidence (ABE) guidance [14] — Буюк Британияда болалар ва бошқа заиф шахслар (vulnerable and intimidated persons) иштирокида далил олиш ва сўроқ ўтказишнинг миллий стандарти ҳисобланади. У қонун эмас, аммо полиция, прокурор, суд учун мажбурий қўлланиладиган амалий йўриқнома сифатида хизмат қилади.

Achieving Best Evidence (ABE) guidance вояга етмаганлар иштирокида далил олиш жараёнини болага мослаштириш орқали жиноят процессида функционал концепцияни амалда таъминлайди.

ABE қўлланмаси Youth Justice and Criminal Evidence Act 1999 (YJCEA)да назарда тутилган “special measures” институтининг амалий механизмини таъминлайди, далил сифатини боланинг руҳий хавфсизлиги ва процессуал фаоллиги билан уйғунлаштириб, child-friendly justice моделининг амалий пойдевори сифатида намоён бўлади.

ABE қўлланмасига кўра, энг яхши далил— бу бола учун энг кам зарар етказадиган, энг табиий шароитда ва энг эрта олинган, шу билан бирга ишончли ва аниқ далилдир. “Trauma-informed” ёндашувда боланинг стресс, кўркув ва уят ҳисси инобатга олинади, сўроқ боланинг руҳий ҳолатини ёмонлаштирмаслиги шарт.

Битта асосий интервью тамойилига мувофиқ, бола имкони борича бир марта сўроқ қилинади, кейинги босқичларда айнан шу видеоёзув далил сифатида қўлланилади. ABE доирасида бола билан ўтказилган интервью видеоёзув шаклида қайд этилади кейинчалик судда асосий далил сифатида тақдим этилади.

ABEнинг кучли жиҳатлари билан бирга юқори малакали интервьюерлар етишмаслиги, техник ресурсларга боғлиқлик, айрим ҳолларда ABE интервьюлари судда

етарли далил сифатида баҳоланмаслиги каби муаммолари ҳам мавжуд, бироқ ушбу муаммолар концепциянинг эмас, ижро механизмларининг камчиликлари билан боғлиқ.

Европа Кенгашининг Болаларга дўстона одил судлов ҳақида қўлланмаси (Guidelines on child-friendly justice 2010) child-friendly justice концепциясининг фундаментал хужжати сифатида Европа мамлакатларидаги миллий амалий ислохотларга йўналтирувчи бўлиб хизмат қилди.

Қўлланма қуйидаги 4 та базавий принципга таянади:

Боланинг эшитилиши ҳуқуқи. Бола ёши ва ривожланиш даражасига мос шаклда амалга оширилиши ва унинг фикри қарор қабул қилишда реал инobatга олиниши шарт.

Боланинг энг устун манфаатлари автоматик тарзда эмас ҳар бир процессуал қарорда индивидуал баҳоланиши

Қайта жароҳатлашдан ҳимоя бир марталик сўроқ, болага мос муҳит, тўғридан-тўғри мулоқотни чеклаш орқали амалга оширилади.

Махфийлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ёпиқ суд муҳокамаси, оммавий ахборот воситаларида идентификацияни тақиқлаш орқали таъминланади.

Европа Иттифоқининг 2016/800-сонли Жиноят содир этишда гумон қилинган ёки айбланган болалар учун процессуал кафолатлар ҳақида директиваси[10] юқоридаги қўлланмани ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади.

Директивада адвокатнинг илк босқичда ва мажбурий иштироки, сўроқ жараёни болага мос шаклда ўтказилиши, эҳтиёт чоралари ва қамоқ — охириги чора эканлиги, бола ва ота-онага ахборот бериш мажбурияти белгиланганлиги функционал концепцияни қонун даражасида мустаҳкамлади.

Европа инсон ҳуқуқлари судининг вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишлари бўйича одил судлов юзасидан қарорлари таҳлили, қуйидаги устувор ёндашувларга асосланишини кўрсатади:

вояга етмаган — заиф (vulnerable) процесс иштирокчиси;

одил судлов (6-модда) болага мос тартиб-таомиллар орқали таъминланиши шарт;

ҳуқуқлар “қоғозда” эмас, амалда реал таъминланганлиги — асосий мезон.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг амалиётини ўрганиш, мазкур директива талаблари суд томонидан тизимли қўлланишини кўрсатади.

Жумладан суднинг *T. v. the United Kingdom* (1999) иши бўйича қарорида суд 10 ёшли болалар катталар судида, очик муҳокамада, оммавий ахборот воситалари иштирокида суд қилинганлиги ҳолатига баҳо берар экан, суд муҳити бола учун қўрқитувчи ва тушунарсиз

бўлганлиги, болалар суд жараёнини англай олмаганлиги, ҳимоя ҳуқуқи реал эмас, формал бўлганлигини қайд қилган [15] .

S.C. v. the United Kingdom (2004) ишида суд бола айблов мазмунини, процесс қоидаларини, ўз ҳимоя стратегиясини тушуниши шартлигига асосланиб, “Effective participation” доктринасини жорий этган.

Blokhin v. Russia ишида суд вояга етмаган шахснинг махсус муассасага жойлаштирилишини Конвенция талабларини бузиш сифатида баҳолар экан, эркинликни чеклаш — охири чоралиги, қарор индивидуал асосланиши ва муқобил эҳтиёт чоралари муҳокама қилиниши шартлиги, умуман вояга етмаганларга нисбатан ҳар қандай мажбурлов чораси мутаносиб ва асосланган бўлиши шартлигини қайд қилган [16].

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, халқаро стандартлар вояга етмаганларнинг жиноят процессидаги ҳуқуқий мақомини фаол субъектлик концепцияси асосида белгилайди ва уларнинг процессуал ҳуқуқларини фақат декларатив эмас, балки амалий жиҳатдан таъминлашни талаб этади. Қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, айрим давлатларда функционал механизмлар (ижтимоий ҳисобот, видеосўроқ, махсус процессуал чоралар, мажбурий психолог иштирокидаги сўроқ) самарали ишлаётган бўлса, бошқа давлатларда ҳуқуқлар кўпроқ формал эълон қилиниши билан чекланиб қолмоқда.

Миллий қонунчиликни такомиллаштиришда халқаро стандартларни механик тарзда кўчириш эмас, балки уларнинг мазмунини миллий ҳуқуқий анъаналар ва институционал имкониятлар билан уйғунлаштирган ҳолда босқичма-босқич жорий этиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, вояга етмаганнинг фикрини реал инобатга олиш, психологик хавфсизликни таъминлаш, процессуал ҳаракатларни болага мослаштириш ва қарор қабул қилишда ижтимоий-психологик баҳолашни институционал механизмга айлантириш устувор йўналиш бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Багаутдинов Ш.Ф. Производство по уголовным делам о преступлениях, совершенных несовершеннолетними и против несовершеннолетних: вопросы теории и практики: автореферат дис. ... канд. юрид. наук. Казань, 2024. 11-б. (Bagautdinov Sh.F. Proceedings in Criminal Cases on Crimes Committed by and Against Minors: Issues of Theory and Practice: Abstract of PhD Dissertation in Law. Kazan, 2024. p. 11.)
2. Kilkelly U. Youth Justice and Children’s Rights: Measuring Compliance with International Standards — Youth Justice 8(3) 191-б.

3. "Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации" от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 29.12.2025) (с изм. и доп., вступ. в силу с 20.01.2026) (Criminal Procedure Code of the Russian Federation of 18 December 2001 No. 174-FZ (as amended on 29 December 2025, with amendments effective from 20 January 2026).

4. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года № 907-IQ) https://continent-online.com/Document/?doc_id=30420280 (Criminal Procedure Code of the Republic of Azerbaijan (approved by the Law of the Republic of Azerbaijan of 14 July 2000 No. 907-IQ)

5. Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана от 18 апреля 2009 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 12.04.2025 г.)

(Criminal Procedure Code of Turkmenistan of 18 April 2009 (as amended and supplemented as of 12 April 2025).)

6. Постановление Пленума Верховного Суда РФ от 01.02.2011 N 1 (ред. от 09.12.2025) "О судебной практике применения законодательства, регламентирующего особенности уголовной ответственности и наказания несовершеннолетних" https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_110315/ (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Russian Federation of 1 February 2011 No. 1 (as amended on 9 December 2025) "On Judicial Practice in Applying Legislation Regulating the Specific Features of Criminal Liability and Punishment of Minors."

7. Постановление Совета министров Республики Беларусь от 26 ноября 2025 г. № 676 "О привлечении педагога, психолога к участию в уголовном процессе" <https://pravo.by/document/?guid=12551&p0=C22500676> (Resolution of the Council of Ministers of the Republic of Belarus of 26 November 2025 No. 676 "On the Involvement of a Pedagogue and Psychologist in Criminal Proceedings."

8. Уголовно-процессуальный Кодекс Республики Молдова. <https://www.legis.md> (Criminal Procedure Code of the Republic of Moldova. Available at: <https://www.legis.md>)

9. Уголовно-процессуальный Кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 16.09.2025 г.). https://prg.kz/document/?doc_id=31575852

(Criminal Procedure Code of the Republic of Kazakhstan (as amended and supplemented as of 16 September 2025). Available at: https://prg.kz/document/?doc_id=31575852)

10. Directive (EU) 2016/800 of the European Parliament and of the Council of 11 May 2016 on procedural safeguards for children who are suspects or accused persons in criminal proceedings. <https://eur-lex.europa.eu/eli/dir/2016/800/oj/eng>

11. Dan Markel, Jennifer M. Collins, and Ethan J. Leib, *Privilege or Punish: Criminal Justice and the Challenge of Family Ties* (OUP 2009); Shona Minson and Rachel Condry, 'The Visibility of Children Whose Mothers Are Being Sentenced for Criminal Offences in the Courts of England and Wales' (2015) 32 *Law Context: A Socio-Legal J.* 28.

12. Уголовно-процессуальный кодекс Федеративной Республики Германия - Strafprozessordnung (StPO) <https://publishup.uni-potsdam.de/opus4-ubp/frontdoor/deliver/index/docId/6039/file/sdrs02.pdf>(Criminal Procedure Code of the Federal Republic of Germany – Strafprozessordnung (StPO).

13. [legislation.gov.uk](https://www.legislation.gov.uk) (UK Legislation Website. Available at: <https://www.legislation.gov.uk>)

14. Achieving best evidence in criminal proceedings. Guidance on interviewing victims and witnesses, and guidance on using special measures. <https://www.gov.uk/government/publications/achieving-best-evidence-in-criminal-proceedings>.

15. Case of T.V. v. The United Kingdom (Application No. 24724/94) <https://hudoc.echr.coe.int>

(Case of T.V. v. the United Kingdom (Application No. 24724/94). European Court of Human Rights. Available at: <https://hudoc.echr.coe.int>)

16. Case of Blokhin v. Russia (Application No. 47152/06) <https://hudoc.echr.coe.int>
(Case of Blokhin v. Russia (Application No. 47152/06). European Court of Human Rights. Available at: <https://hudoc.echr.coe.int>)